



“Тасдиқлайман”
ЖИЗЗАХ ХЭТК АЖ

Б.Х. ИБРАГИМОВ

2022 йил

**Ташқи аудитни ўтказувчи ташкилотни
танлаб олиш учун
ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ**

ЖИЗЗАХ ш – 2022 йил

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

Танлов иштирокчиси учун йўриқнома

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда жамиятнинг Корпоратив бошқарув Кодексига кўра аудиторлик фаолиятининг: Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС), Халқаро аудит стандартлари (ХАС), Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига (ХМҲСга) мувофиқ трансформацияси, СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш бўйича, шунингдек, корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш бўйича “Жиззах ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамияти молиявий-хўжалик фаолиятининг 2022 йил якуни бўйича ташқи аудитни ўтказишни амалга ошириб берувчи аудит ташкилотини танлаш.

Жами бошланғич сумма :

1. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС)- 25 000 000 сўм;
 2. Халқаро аудит стандартлари (ХАС)- 13 000 000 сўм
 3. Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига (ХМҲСга) мувофиқ трансформацияси-17 000 000 сўм ;
 4. СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизлари-4 000 000 сўм;
 5. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш- 4 000 000 сўм.
- 1.1. Танлов охириги қиймати - Ушбу ҳужжатнинг 1 бандида кўрсатилган қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар Харид комиссияси томонидан кўриб чиқилади.
 - 1.2. Бажариладиган иш турлари Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунига мувофиқ аудиторлик фаолиятининг: Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС), Халқаро аудит стандартлари (ХАС), Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига (ХМҲСга) мувофиқ трансформацияси, СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш бўйича, шунингдек, корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолашни амалга ошириш.
Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан аудит ташкилотлари билан шартнома тузилади.
 - 1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 кун давомида.
 - 1.4. Ишларни бошлаш муддати –маблағ ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.
 - 1.5. Текширув даври: 01.01.2022 йилдан 31.12.2022 йилгача.
 - 1.6. Текшириладиган хўжалик субъекти: “Жиззах ХЭТК” АЖ.

2. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 2.1. “ЖИЗЗАХ ХЭТК” АЖ (бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Жиззах шаҳар, Наврўз маҳалласи, Боғзор кўчаси, 60 уй.

- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.
- 2.3. Танлов **“ЖИЗЗАХ ХЭТК” АЖ** “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган аудиторлик фаолиятини амалга ошириш лицензиясига ва суғурта полисига эга бўлган, шунингдек уч йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига ва аудиторлик хизматлари бўйича ёрдам кўрсатиш учун зарурий ходимларга эга бўлган аудит ташкилотлари қатнашишлари мумкин.

3.2. Танловда қатнашиш учун даъвогарлар “Жиззах ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамиятига (белгиланган- электрон сайтида) қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- тегишли фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия нусхаси;

- давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома нусхаси;

- аудитор ташкилотининг фаолияти (фуқаролик жавобгарлиги суғуртаси полиси, аудиторларининг малака сертификатлари, шунингдек, устав фонди ҳақидаги маълумот, аудиторлик фаолиятидаги мутахассисларнинг малакасини, иш тажрибасини, фаолият муддатларини ва ўтказган амалиёт (операция)лари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган резюме, кўрсатиладиган хизматлар нархлари миқдори ва бошқалар) ҳақидаги маълумотлар.

3.3. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнида иштирок этишга руҳсат берилмайди:

- тегишли фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлмаган юридик ташкилотларга.

- Судлашаётган, банкротлик ёқасида ва реорганизация бўлмаслиги лозим.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда порталга электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришлари лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

- 5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдирлар.
- 5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилганидан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

- 6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугаган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Танловни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.
- 6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориш шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.
- 6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда, ундан олдин олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундан сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.
- 6.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.